

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI

RESPUBLIKA OITSga QARSHI
KURASH MARKAZI

100135, Toshkent sh., Chilonzor tumani,
16-daha, Farhod ko'chasi, 12-uy
Тел: (+998-71)276-93-25
E-mail: aids.uz@minzdrav.uz



MINISTRY OF HEALTH
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

THE REPUBLICAN CENTER
TO FIGHT AIDS

12, Farkhod Street., Chilanar - 16,
Tashkent, 100135
Phone: (+998-71) 276-93-25
E-mail: aids.uz@minzdrav.uz

№ 012-08/1013
« 06 » 09 2020 й.

**Қорақалпоғистон Республикаси,
вилоятлар ва Тошкент шаҳар
ОИТСга қарши кураш марказлари
раҳбарларига**

КЎРСАТМА ХАТ

“Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 6 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясининг олдини олиш чора-тадбирлари ва тиббий ёрдамни ташкил этишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 219-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 6 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясининг олдини олиш чора-тадбирлари ва тиббий ёрдамни ташкил этишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 219-сонли буйруғи ижро учун қабул қилинсин (буйруқнинг электрон нусхаси 247-варақда).

2. Мазкур буйруқ ва унда илова шаклида ақс этган қўшимчаларининг талаблари, фаолияти ушбу ҳужжатлар билан тартибга солинадиган тиббиёт соҳасининг ваколатли шахслари ва ташкилотлари учун мажбурий эканлигини инобатга олган ҳолда, ҳудудий Соғлиқни сақлаш бошқармалари, тиббиёт муассасаларининг раҳбарлари ва ОИТСга қарши курашиш марказлари мутахассислари иштирокида ушбу меърий ҳужжатнинг туб моҳиятини ёритишга доир тадбирлар амалга оширилсин.

3. Ушбу буйруқ чиқарилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 24 майдаги “Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекциясининг олдини олиш ва тиббий ёрдамни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 336-сонли буйруғи ўз кучини йўқотганлиги инобатга олинган ҳолда, лозим деб топилган тақдирда марказларнинг (бўлимларнинг) 2021 йил учун мўлжалланган иш режасида кўшимча ва ўзгартиришлар киритиш чоралари кўрилсин.

4. Юқорида кўрсатилган топшириқларни ижроси ўз вақтида сифатли амалга оширилишида ҳар бир ҳудудий ОИТСга қарши курашиш маркази бош врачлари шахсан маъсул эканлиги белгилансин.

5. Ушбу кўрсатма хат ижроси назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Директор



К.Х.Юлдашев